

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

30 март 2018 й.г. № 249

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни  
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини такомиллаштириш, суиистеъмолчиликлар ва талон-тарожликлар шароитини тугатиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 ноябрдаги ПҚ–3386-сон қарорини ижро этиш, шунингдек, монопол маҳсулотлар рўйхати ва турларини тубдан қисқартириш, монополияга қарши тартибга солишнинг халқаро принципларига ўтишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Товар бозорида сотиладиган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) монопол юқори ва монопол паст нархларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Нархлари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли товарлар (хизматлар) ва уларнинг стратегик турлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсин, нархларни давлат томонидан тартибга солиш (декларация қилиш, тасдиқлаш, қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) ўрнатиш, тартибга солувчи коэффициент, устама ва рентабелликнинг чегараланган даражаси ва нархни тартибга солишнинг бошқа усуллари) фақат:

ушбу қарорга 2-иловада келтирилган товарларга (хизматларга);

табiiй монополия шароитларида ишлаб чиқариладиган товарларга (кўрсатиладиган хизматларга);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида нархларини (тарифларини) тартибга солиш назарда тутилган товарларга (хизматларга) нисбатан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р.Холмурадов ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Р.А.Ғуломов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А.Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 30 мартдаги  
249-сон қарорига  
1-илова

**Товар бозорида сотиладиган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг)  
монопол юқори ва монопол паст нархларини аниқлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар (кейинги ўринларда субъект деб аталади) томонидан сотиладиган, улар бўйича ушбу субъектнинг устун мавқеи эътироф этилган товарларга (ишларга, хизматларга) монопол юқори ва монопол паст нархлар аниқланиши тартибини назарда тутди.

2. Ушбу Низом талаблари нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчи (ишларни бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи) (кейинги ўринларда товар деб аталади) хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан татбиқ этилмайди.

**3. Товарнинг монопол юқори нархи, агар ушбу нарх:**

бундай товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур бўлган харажатлар ҳамда фойда суммасидан юқори бўлса;

асоссиз харажатларнинг ўрнини қоплашга ёки товарнинг сифатини пасайтириш натижасида қўшимча фойда олишга йўналтирилган бўлса, товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект томонидан белгиланадиган товарнинг нархи ҳисобланади.

Агар товар нархи биржа савдолари яқунлари бўйича шаклланган бўлса, бундай нарх монопол юқори нарх деб эътироф этилмайди. Бунда, ушбу Низом нормалари биржа савдоларида нархлар бошланғич нарх сифатида қўлланилишига татбиқ этилади.

4. Товар бозорида сотувчи ёки сотиб олувчи сифатида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект томонидан товарнинг таннархидан паст даражада ва ушбу товарни сотишдан зарар келтирадиган даражада белгиланадиган, натижада рақобатнинг чекланишига олиб келадиган нарх товарнинг монопол паст нархидир.

5. Субъектларнинг улар бўйича мавқеи устун деб эътироф этилган товарларига монопол юқори ва монопол паст нархларни аниқлаш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Товарнинг монопол юқори ва монопол паст нархларини  
аниқлаш учун маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш**

6. Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар ҳар чоракда чорак биринчи ойининг 10-кунига қадар монополияга қарши органга Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган товарларига қўлланиладиган нархлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар.

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда монополияга қарши орган деб аталади) субъектлар товарларига нархларнинг ўзгариши динамикасини кузатиб бориш мақсадида мунтазам равишда:

ҳар чорақда субъектлар томонидан тақдим этилган Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган товарларга қўлланиладиган нархлар тўғрисидаги маълумотларни;

статистика органлари маълумотларини (маълумотномалар, бюллетенлар ва бошқаларни);

оммавий ахборот воситалари маълумотларини;

белгиланган тартибда амалга ошириладиган назорат функциялари материалларини (ўрганишлар натижасида текшириш бўйича далолатномалар ва маълумотномалар, берилган кўрсатмалар ва бошқаларни);

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маълумотларини таҳлил қилади.

8. Субъектлар товарларига нархлар ўзгариши ҳолати аниқланганда ёки жисмоний ва юридик шахслардан монопол юқори ва монопол паст нархлар қўлланилганлиги ҳолати тўғрисида мурожаатлар тушган тақдирда монополияга қарши орган уч кун муддатда давлат органларига, хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга:

товарларнинг ишлаб чиқарилиши, сотилиши, импорти ва экспорти ҳажми тўғрисидаги маълумотларни;

ушбу Низомнинг 12 ва 13-бандларига мувофиқ нарх ўзгариши белгиларини аниқлаш, шунингдек, товарни ишлаб чиқариш ва сотиш билан бевосита боғлиқ зарур харажатлар ва фойдани аниқлаш учун зарур бўлган ҳисоб-китоб ва тасдиқловчи ҳужжатларни;

товар бозорининг ўзига хослигидан келиб чиқиб бошқа ҳужжатларни олиш учун ёзма сўровлар юборади.

9. Давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахслари монополияга қарши орган талабига кўра зарур ҳужжатлар ва маълумотларни белгиланган тартибда унга бепул тақдим этишлари шарт. Маълумотлар сўров олингандан кейин 15 кун мобайнида монополияга қарши органга тақдим этилади.

10. Монополияга қарши орган маълумот олингандан кейин бир ой мобайнида олинган маълумотларни ўрганиб чиқади ва улар натижаси бўйича товарга монопол юқори нархлар белгиланганлиги белгилари аниқланади, бу:

худди шу турдаги бошқа товар нархидан, шу жумладан, бозорнинг бошқа субъектларининг унинг ўрнини босувчи товарлардан анча юқори бўлган миқдорда нарх белгиланганлиги аниқланишида;

товарга белгиланган нарх иқтисодий ва технологик омиллар билан тушунтириб бўлмайдиган 10 фоиздан зиёдга оширилишида;

товар бозорида қиёсланадиган нархларнинг тегишли ўсиш суръатлари билан таққослаш бўйича товар нархининг 10 фоизга асоссиз оширилишида;

товарнинг физик тавсифларини (товарнинг оғирлиги ёки бирлиги сони, сифатини ўзгартириш) сезиларли пасайтириш йўли билан товарга нархларни ошириш ёки сақлаб қолишда;

товар нархи асоссиз ўзгартирилишидан далолат берувчи бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланади.

11. Товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган харажатлар қийматини қопламайдиган ва фойда олишни назарда тутмайдиган товарга нарх қўллаш, агар у:

рақобатнинг чекланишига;

рақобатчиларнинг бозордан сиқиб чиқарилишига;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид бўлган бошқа оқибатларга олиб келса, монопол паст нархни ўрнатиш белгиси ҳисобланади.

12. Субъект товарига нарх ўзгариши белгиларини ва ушбу ўзгаришларга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш учун:

субъектнинг молия-хўжалик фаолияти;

товар таннархи, ишлаб чиқариш харажатлари ва давр сарфлари ўзгариши;

субъектнинг товарни сотишдан олган даромади ёки кўрган зарари;

субъект ва бозорнинг бошқа иштирокчилари товарига нархларнинг ўзгариши динамикаси;

субъект ва бозорнинг бошқа иштирокчилари ишлаб чиқариш, товар реализацияси ва бозордаги улуши ҳажмлари;

ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш таҳлил қилинади.

13. Улар бўйича субъектнинг устун мавқеи эътироф этилган товарни ишлаб чиқариш ва сотиш билан бевосита боғлиқ зарур харажатлар ва фойдани аниқлашда:

товар бирлигини ишлаб чиқаришга хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия, моддий ресурслар сарфининг қўлланиладиган нормаларидан ва уларнинг йиллик нормаларидан келиб чиқиб тасдиқловчи ҳужжатларда (шартномалар, счётофактураларда) ва моддий ресурсларнинг физик ҳажмида назарда тутилган нархлардан келиб чиқиб аниқланадиган таннархга кирадиган моддий сарф-харажатлар;

ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, шу жумладан, меҳнат ҳақидаги қонунларга мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган меҳнат шароити учун тўланадиган қўшимча ҳақ ва устамалар;

субъектнинг ҳисоб сиёсатида назарда тутилган усулни қўллаган ҳолда аниқланадиган амортизация харажатлари;

жалб этилган маблағларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

субъектнинг товарини ишлаб чиқариш ва сотишга бевосита тегишли бўлган бошқа харажатлар;

корхонанинг самарали фаолият юритиши ва ривожланишини таъминловчи фойда даражаси ҳисобга олинади.

14. Фойда улар бўйича субъектнинг устун мавқеи эътироф этилган товарни ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромад билан товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур бўлган асосланган сарф-харажатлар, шунингдек, амалда тўланган солиқлар ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

15. Субъектни ривожлантириш учун талаб этиладиган зарур фойда миқдори ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарнинг хусусиятларини, товар бозорининг ўзига хослигини ва субъектнинг фаолият кўрсатиши шарт-шароитларини акс эттириши, шунингдек:

янги активларни яратишга, мавжуд активларни кенгайтириш, янгилаш, реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга инвестицияларни;

таваккалчиликлар даражасини (ишлаб чиқариш ёки истеъмолнинг мавсумий хусусияти, иқлим омилларига юқори боғлиқлик);

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловларни ҳисобга олиши керак.

16. Товар бирлигига субъектнинг зарур харажатлари ва фойдасини баҳолашда зарурат бўлганда ўхшаш харажатлар ва бозорнинг бошқа қатнашчилари фойдасининг қийсий таҳлили усули қўлланилади.

17. Таҳлил қилишда товар бозорида давлат томонидан тартибга солишнинг мавжудлиги, шунингдек, тегишли бозорда бирор-бир товарни ишлаб чиқариш, сотиш ёки харид қилишга давлатнинг мутлақ ҳуқуқи мавжудлиги эътиборга олинади.

### **3-боб. Товарга монопол юқори нархни аниқлаш**

18. Товарга монопол юқори нархни аниқлашда:

а) товарга олдин белгиланган нархни ошириш йўли билан, агар бунда жамланган ҳолда:

товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур бўлган харажатлар ўзгаришсиз қолиши ёки уларнинг ўзгариши товарнинг нархи ўзгаришига мувофиқ эмаслиги;

товарни сотувчилар ёки харидорлар таркиби ўзгаришсиз қолиши ёхуд товарларнинг сотувчилари ёки харидорлари таркиби ўзгариши сезиларли эмаслиги;

товарнинг товар бозорида, шу жумладан, давлат томонидан тартибга солиш, шу жумладан, солиқ солиш, тариф билан тартибга солиш чоралари билан белгиланадиган айланиши шартлари ўзгаришсиз қолиши ёки уларнинг ўзгариши товарнинг нархи даражаси ўзгаришига мувофиқ эмаслиги;

товарга талаб ва (ёки) таклиф ўзгаришсиз қолиши ёки уларнинг ўзгариши товарнинг нархи ўзгаришига мутаносиб эмаслиги шартлари бажарилса;

б) товарнинг олдин белгиланган нархини сақлаб қолиш ёки пасайтирмаслик йўли билан, агар бунда жамланган ҳолда:

товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур бўлган харажатлар жиддий равишда пасайиши;

товарнинг сотувчилари ёки харидорлари таркиби товарнинг нархини камайтириш томонга ўзгартириш имкониятини аниқлаши;

товарнинг товар бозорида, шу жумладан, давлат томонидан тартибга солиш, шу жумладан, солиқ солиш, тариф билан тартибга солиш чоралари билан белгиланадиган айланиши шартлари товарнинг нархи камайиш томонга ўзгариши имкониятини таъминлаши;

товар бўйича талаб ва (ёки) таклифнинг ўзгариши товар нархининг камайиш томонга ўзгаришини белгилайдиган шартлар бажарилса, субъект томонидан бундай товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур бўлган харажатлар ва фойданинг товар бозорида рақобат шароитларида шаклланган нархдан ошадиган суммаси белгиланиши ҳолати ҳисобга олинади.

#### **4-боб. Товарга монопол паст нархни аниқлаш**

19. Товарга монопол паст нархни аниқлашда:

а) товарга олдин белгиланган нархни пасайтириш йўли билан, агар бунда жамланган ҳолда:

товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур бўлган харажатлар ўзгаришсиз қолиши ёки уларнинг ўзгариши товарнинг нархи ўзгаришига мувофиқ эмаслиги;

товарни сотувчилар ёки харидорлар таркиби ўзгаришсиз қолиши ёхуд товарларнинг сотувчилари ёки харидорлари таркиби ўзгариши сезиларли эмаслиги;

товарнинг товар бозорида, шу жумладан, давлат томонидан тартибга солиш, шу жумладан, солиқ солиш, тариф билан тартибга солиш чоралари билан белгиланадиган айланиши шартлари ўзгаришсиз қолиши ёки уларнинг ўзгариши товарнинг нархи ўзгаришига мутаносиб эмаслиги;

товарга талаб ва (ёки) таклиф ўзгаришсиз қолиши ёки уларнинг ўзгариши товарнинг нархи ўзгаришига мутаносиб эмаслиги шартлари бажарилса;

б) товарнинг олдин белгиланган нарҳини сақлаб туриш ёки пасайтирмаслик йўли билан, агар бунда жамланган ҳолда:

товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур бўлган харажатлар жиддий равишда ўсганлиги;

товарнинг сотувчилари ёки харидорлари таркиби товарнинг нарҳини кўпайтириш томонга ўзгартириш имкониятини аниқлаши;

товарнинг товар бозорида, шу жумладан, давлат томонидан тартибга солиш, шу жумладан, солиқ солиш, тариф билан тартибга солиш чоралари билан белгиланадиган айланиши шартлари товарнинг нархи кўпайиш томонга ўзгариши имкониятини таъминлаши;

товар бўйича талаб ва (ёки) таклифнинг ўзгариши товар нархининг кўпайиши томонга ўзгаришини белгилайдиган шартлар бажарилса, субъект томонидан бундай товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур бўлган харажатлар ва фойдани қопламайдиган қиёсланадиган товар бозорида рақобат шароитларида шаклланадиган нархдан паст белгиланиши ҳолати ҳисобга олинади.

20. Агар:

нарх қиёсланадиган товар бозорида рақобат шароитларида шаклланган нархдан паст бўлмаса;

нархнинг товарни сотувчи томонидан белгиланиши тегишли товар бозорида товарнинг сотувчилари ёки харидорлари билан шахсларнинг бир гуруҳига кирмайдиган хўжалик юритувчи субъектлар сонининг қисқариши муносабати билан рақобатнинг чекланишига олиб келмаса ёки олиб келиши мумкин бўлмаган тақдирда товарнинг монопол паст нархи эътироф этилмайди.

**5-боб. Монопол юқори ва монопол паст нархни қўллаш аниқланганда чора-тадбирлар кўриш тартиби**

21. Амалга оширилган таҳлил яқунлари бўйича монопол юқори ёки монопол паст нарх қўлланилиши белгилари аниқланганда монополияга қарши орган ўрганиш яқунлангандан кейин уч кун мобайнида Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ чора-тадбирлар кўради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Низомга мувофиқ рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган субъектга нисбатан қўзғатиладиган иш монополияга қарши органнинг махсус комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш яқунлари бўйича кўрсатма бериш ёки ҳуқуқни бузиш мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

22. Монопол юқори ёки монопол паст нарх аниқланганда бундай нарх қўлланилиши билан етказилган зиён (бой берилган фойда) хўжалик юритувчи субъектлар – рақобатчилар ёки истеъмолчилар (контрагентлар) томонидан суд тартибида ундирилиши мумкин.

**6-боб. Яқунловчи қоидалар**

23. Монополияга қарши органга маълумотлар тақдим этилмаслиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаслиги, ишончсиз ёки ёлғон маълумотлар тақдим этилиши учун хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.


24. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



Товар бозорида сотиладиган товарларга  
(ишларга, хизматларга) монопол юқори ва  
монопол паст нархларни белгилаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
илова

**Товар бозорида сотиладиган маҳсулотларга (ишларга, хизматларга)  
монопол юқори ва монопол паст нархларни белгилаш тартиби  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар	Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган товарларга қўлланилган нархлар тўғрисидаги маълумотларни монополияга қарши органга тақдим этадилар.	Ҳар чоракда чорак биринчи ойнинг <b>10-кунига</b> қадар
2-босқич	Монополияга қарши орган	Товарларнинг нархлари ўзгарганлиги аниқланган ёки монопол юқори ва монопол паст нархларни қўллаш ҳолати тўғрисида мурожаатлар тушган тақдирда ўрганиш мақсадида давлат органларига, хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга зарур маълумотларни олиш учун ёзма сўров жўнатади.	Товарларга қўлланилган нархлар тўғрисида маълумот олингандан ёки жисмоний ва юридик шахслардан мурожаат тушгандан сўнг <b>уч кун</b> мобайнида
3-босқич	Давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ташкилотлар	Сўралган маълумотларни монополияга қарши органга тақдим этади.	Сўров олинган кундан бошлаб <b>ўн беш кун</b> мобайнида
4-босқич	Монополияга қарши орган	Олинган ахборот ва маълумотлар асосида монопол юқори ва монопол паст нархларни аниқлаш юзасидан ўрганади.	Маълумотлар олинган кундан бошлаб <b>бир ойда</b>
5-босқич	Монополияга қарши орган	Монопол юқори ва монопол паст нарх қўлланилганлиги белгилари аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни қўриб чиқиш тўғрисидаги низомга (кейинги матнларда Низом деб аталади) мувофиқ иш қўзғатади.	Ўрганишни якунлагандан кейин <b>уч кун</b> муддатда



Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 30 мартдаги  
249-сон қарорига  
2-илова

**Нархлари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий  
аҳамиятли товарлар (хизматлар) ва уларнинг стратегик турлари  
РЎЙХАТИ**

1. “Ўздонмахсулот” АЖ корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган ун.
2. Қолипли нон (чакана нарх).
3. Аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари ва давлатнинг стратегик захирасини шакллантириш учун мўлжалланган, тўғридан-тўғри шартномалар орқали сотиладиган пахта мойи.
4. Ижтимоий муҳим дори воситалари ва тиббий буюмлар (махсус тасдиқланадиган рўйхат бўйича).
5. Турмушда истеъмол қилинадиган сиқилган газ ва “Ўзтрансгаз” АЖ ва/ёки унинг ҳудудий бўлинмалари орқали сотиладиган табиий газ.
6. Аҳолига ҳамда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича бюджет ташкилотлари ва автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчаларига сотиладиган автомобиль бензини (Аи-80 ва Аи-91 маркалари).
7. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича бюджет ташкилотларига, давлат буюртмаси бўйича пахта хомашёси ва дон етиштирадиган фермер хўжаликлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга, маиший чиқиндиларни тўплаш ва ташиш бўйича давлат корхоналарига сотиладиган, шунингдек, бошқа истеъмолчиларга чакана нархда сотиладиган дизель ёнилғиси.
8. Пахта маҳсулоти (пахта хомашёси, пахта толаси, техник уруғлик).
9. Шулха ва пахта чигити шроти.
10. Этил спирти.
11. Дон (харид нархлари).
12. Минерал ўғитлар.
13. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича аҳолига, бюджет ташкилотларига ва “Ўзбекэнерго” АЖ корхоналарига, шу жумладан, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Темирйўл ёнилғитаъмин” бошқармалари орқали сотиладиган кўмир.
14. “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида махсус ҳимоя даражасига эга бўлган қоғоздан тайёрланадиган маҳсулотлар (қимматли қоғозлар, паспорт, ҳаракатланиш ҳужжати ва шу кабилар).
15. Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни ташиш хизматлари.
16. Шаҳар йўловчи ташиш транспортида йўловчиларни ташиш хизматлари (йўналишли ва линияли таксилардан ташқари).

17. Телевизион, радио эшиттириш дастурларини узатиш, йўлдош алоқа орқали теле ва радио дастурларни қайта узатиш хизматлари, радиоалоқа хизматлари.
18. Грифланган пакетларни (жўнатмалар, посилкаларни) жўнатиш.
19. Маълумотларни халқаро етказиш хизматлари ва халқаро каналларнинг ижараси.
20. Хўжалик субъектларининг пул маблағлари инкассацияси ва пул маблағлари ва бошқа қимматликларни банклараро ташиш хизматлари.
21. “Ўзбекистон товар-хомашё биржаси” АЖ томонидан кўрсатиладиган биржа хизматлари (биржа битимлари, ҳисоб-клиринг ва ахборот операциялари, савдоларни ўтказиш ва шу кабилар).

**Изоҳ.** Ушбу рўйхатга қуйидаги мезонларга жавоб берадиган товарлар (хизматлар) киритилган:

*товарларнинг (хизматларнинг) истеъмолчилар ўртасида харидоргирлиги;*

*товарларни ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) аниқ ташилотларга юклангани;*

*алоҳида товарларни ишлаб чиқаришга давлат монополияси ўрнатилгани;*

*товарлар (хизматлар)нинг нархи Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ тартибга солинади.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 30 мартдаги  
249-сон қарорига  
3-илова

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 10-сон, 53-модда):

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“1. Белгилансинки:

Табиий монополиялар субъектлари давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариладиган;

ижтимоий аҳамиятли ва стратегик ҳисобланган, нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган, хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариладиган;

нархларни тартибга солиш органи томонидан уларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган товарларга (ишларга, хизматларга) (кейинги ўринларда товарлар деб аталади) нархлар (тарифлар) давлат томонидан тартибга солинади”;

б) 1-иловада:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“1. Ушбу Низом хўжалик юритувчи субъектлар, монополист корхоналар, табиий монополиялар субъектларининг товарларига (ишларига, хизматларига) (кейинги ўринларда товарлар деб аталади) нархларни (тарифларни) шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ҳамда уларнинг қўлланилиши устидан давлат назорати тартибини белгилайди”;

4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“4. Ушбу Низом:

табиий монополиялар субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган;

нархлари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши керак бўлган ижтимоий аҳамиятли ва стратегик ҳисобланган;

нархларни тартибга солиш органи томонидан уларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган товарларга нархларни (тарифларни) шакллантиришда ва декларация қилишда (белгилаш, тасдиқлашда) қўлланилади”;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“5. Нархларни давлат томонидан тартибга солиш:

нархларни тартибга солиш органи ва ўз ваколатлари доирасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли ва стратегик товарларга қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) белгилаш;

ижтимоий аҳамиятли ва стратегик ҳисобланган, уларга нархлар (тарифлар) давлат томонидан тартибга солинадиган, монополист корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарларга нархларни (тарифларни) ёки уларнинг чекланган даражаларини, тартибга солувчи коэффициентни, устама ёки чекланган рентабелликни декларация қилиш (кейинги ўринларда товарларга нархларни (тарифларни) декларация қилиш деб аталади);

табiiй монополиялар субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарларга нархларни тартибга солиш органи томонидан нархларни (тарифларни) ёки уларнинг чекланган даражаларини тартибга солувчи коэффициентни, устама ёки чекланган рентабелликни тасдиқлаш (кейинги ўринларда нархларни (тарифларни) тасдиқлаш деб аталади);

нархларни тартибга солиш органи билан келишиш ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ алоҳида товарларга қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) ва устамаларни белгилаш йўли билан амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ нархларни (тарифларни) давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

Қолган товарларга шартномавий (эркин) нархлар (тарифлар) қўлланилади”;

5<sup>1</sup>-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“5<sup>1</sup>. Хўжалик юритувчи субъект (шу жумладан, монополист корхона, табиий монополия субъекти) декларация қилинган (тасдиқланган, белгиланган) нархларни (тарифларни) мустақил пасайтириш ҳуқуқига эгадир. Бунда:

монопол паст нархлар белгилаш мақсадида нархларни (тарифларни) пасайтиришга йўл қўйилмайди;

нархларни (тарифларни) пасайтириш бир вақтнинг ўзида барча истеъмолчилар учун амалга оширилади, кейинчалик нархларни тартибга солиш органи хабардор қилинади”;

II бўлимнинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**“Товарлар нархларини (тарифларини) давлат томонидан тартибга солиш”;**

6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“7. Нархларни (тарифларни) декларация қилиш (тасдиқлаш) нархларни тартибга солиш органида:

ишлаб чиқариш табиий монополия шароитларида амалга ошириладиган товарга табиий монополия субъекти томонидан, шунингдек, нархи давлат томонидан тартибга солинадиган товарга монополист корхона томонидан унинг тегишли Давлат реестрига киритилганлиги тўғрисида билдиришнома олинган кундан бошлаб бир ой муддатда;

нархи давлат томонидан тартибга солинадиган товарга хўжалик юритувчи субъект томонидан у сотилгунга қадар;

юқорида кўрсатиб ўтилган товарларга нархлар (тарифлар), устамалар, чекланган рентабеллик ошганда ва тегишли коэффициент ўзгарганда таъминланади”;

9-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“товарларни экспорт қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар (шу жумладан, монополист корхоналар ва табиий монополия субъектлари) улар бўйича ҳисоб-китобларни шартномавий (эркин) нархлар бўйича амалга оширадilar, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно”;

4-бўлимнинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**“IV. Нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган монопол корхоналарнинг ва табиий монополиялар субъектларининг товарларига нархларни (тарифларни) декларация қилиш (тасдиқлаш тартиби)”**

25-банддаги “табиий монополиялар субъектлари бундан мустасно” сўзлари чиқариб ташлансин;

V-бўлимнинг номи қуйидаги таҳрирда қилинсин:

**“V. Нархларни тартибга солиш органи ва ўз ваколатлари доирасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли ва стратегик товарларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида нархларини тартибга солиш назарда тутилган айрим товарларга қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) ва устамаларни белгилаш тартиби”;**

32-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“32. Нархларни тартибга солиш органи ва ўз ваколатлари доирасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли ва стратегик товарларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида нархларини тартибга солиш назарда тутилган айрим товарларга қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) ва устамаларни шакллантириш ва белгилаш тартиби ушбу Низомнинг III ва IV бўлимларига мувофиқ амалга оширилади.

Нархлари (тарифлари) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ тартибга солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи хўжалик юритувчи субъектлар нархлар (тарифлар)ни:

норматив ҳужжат чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда (агар унда бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса);

нархлар (тарифлар), устама нарх, чекланган рентабеллик ошганда ва тартибга солувчи коэффициент ўзгарганда нархларни тартибга солувчи органда тасдиқлаши (келишиб олиши) шарт”;

36-бандда:

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўнинчи – ўн тўртинчи хатбошилар саккизинчи – ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

38-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

41-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“41. Табиий монополия субъекти, монополист корхона томонидан декларация қилинмасдан (тасдиқланмасдан) нархлар (тарифлар) қўлланилиши ҳолатлари аниқланганда асоссиз олинган маблағлар (даромадлар) корхона тегишли Давлат реестрига киритилган санада амал қилган нарх (тариф) билан корхона тегишли Давлат реестрига киритилган санадан бошлаб давр учун товарни сотиш ҳажмига кўпайтирилган унинг кейинчалик оширилиши натижасида шаклланган нарх ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан давлат томонидан тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) нархларни тартибга солиш органида тасдиқланмасдан қўлланилиши ҳолатлари аниқланганда асоссиз олинган маблағлар (даромадлар) нархларни тартибга солиш органида тасдиқланган санада амал қилган нарх (тариф) билан кўрсатиб ўтилган санадан бошлаб бутун даврда товарни сотиш ҳажмига кўпайтирилган унинг кейинчалик оширилиши натижасида шаклланган нарх ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан нархларни тартибга солиш органи томонидан тасдиқланмасдан (келишилмасдан) нархларни (тарифларни) қўллаш ҳолатлари аниқланганда, агар уларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган бўлса, асоссиз олинган маблағлар (даромадлар) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида назарда тутилган нархларни тартибга солиш органида тасдиқлаш (келишиш) санасида амал қилган нарх (тариф) билан кўрсатиб ўтилган санадан бошлаб бутун даврда товарни сотиш ҳажмига кўпайтирилган унинг кейинчалик оширилиши натижасида шаклланган нарх ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш ҳамда Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

- а) 33-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- б) 43-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“43. Хўжалик юритувчи субъект ёки уларга нархлар (тарифлар) давлат томонидан тартибга солинадиган товарларни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича Реестрга киритилган шахслар гуруҳи ушбу нархлар (тарифлар) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нархларни тартибга солиш органида тасдиқланишини амалга оширадилар”.

Низомга 2-иловининг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“     -сон БИЛДИРИШНОМА

\_\_\_\_\_НИНГ  
(монополияга қарши орган номи)  
\_\_\_\_\_манзилида жойлашган  
(почта манзили)  
\_\_\_\_\_НИ  
(хўжалик юритувчи субъект ва (ёки) шахслар гуруҳи номи)  
\_\_\_\_\_НИНГ  
(монополияга қарши орган номи)



20\_\_ йил "\_\_" \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сон буйруғига асосан 20\_\_ йил "\_\_" \_\_\_\_\_ дан бошлаб Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига **киритиш тўғрисида**

Реестрга киритилган товарлар (хизматлар) турлари ва номи:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_

Ушбу билдиришнома муносабати билан Сиз 30 кун мобайнида кўрсатиб ўтилган устун мавқени эгаллаб турган товар (хизмат)га нархлар (тарифлар)ни

\_\_\_\_\_ да  
(нархларни бошқариш органи номи)

декларация қилишингиз (ёки илгари тасдиқланган декларацияни қайта расмийлаштиришингиз), шунингдек уларнинг кейинги ҳар бир ошишини декларация қилишингиз зарур\*.

Ушбу билдиришнома муносабати билан Сиз йилнинг ҳар чорагида чоракнинг биринчи ойи 10-кунигача \_\_\_\_\_ га юқорида кўрсатилган  
(монополияга қарши органнинг номи)

товарларга нархларни тақдим этишингиз зарур\*\*.

Ушбу билдиришнома ўз вақтида ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда Сизга нисбатан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўлланади.

\_\_\_\_\_  
(раҳбар)

\_\_\_\_\_  
(имзонинг ёйилмаси)

**Изоҳ:** Билдиришнома монополияга қарши орган бланкида юборилади.

**\*)** Ушбу билдиришнома нархлари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солинмайдиган товарларни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича Реестрга киритилмайдиган хўжалик юритувчи субъектга юборилганда ушбу хатбоши чиқариб ташланади.

**\*\*)** Ушбу билдиришнома нархлари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солинадиган товарларни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича Реестрга киритилмайдиган хўжалик юритувчи субъектга юборилганда ушбу хатбоши чиқариб ташланади”.